

ЖОШЛИК ЎЗВИ



1991 йил 1 январдан
чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

5 ФЕВРАЛЬ, ШАНБА № 26 (774).
Сотувда эркин нархда. 1994 йил.

ТИЛИМИЗГА ДАВЛАТ МАҚОМИ БЕРИЛГАНИГА ТЎРТ ЙИЛДАН ОШДИ

ЎТган давр ичида талай ишлар қилинди. БИРОҚ айрим жойларда қонун ижроси ХАЛИ ТАЛАБ ДАРАЖАСИДА ЭМАС

Шу давр мобайнида ҳукумат дастури ишлаб чиқилди, шарҳлар ёзилди, «Атамашунослик қўмитаси» тузилди, «Ўзбек тили жамияти» юзга келди, ҳукумат комиссияси ишлаб турибди ва ҳоказо.

Лекин, жойларда давлат тили ҳақидаги қонуннинг ижроси қандай йўлга қўйилган? Ана шулар ҳақида озми-кўпми фикр юритсак.

Ўзбекистоннинг мустақил давлат эканлиги, унинг қонунийлари, давлат тили мамлакатимиздаги барча фуқаролар учун умумий ва мажбурийлигини таъқоз эътибор билан мамлакатимизда яшайдиган ҳар бир кишининг фуқаролик бурчидир. Давлатнинг ривожланган мамлакатларида бўлгани каби истиқлол сабаб бизда ҳам тил билиш ва ишбилармонликка кев йўл очилмоқда. Маъсад мустақил давлатимиз ва тилимизни мукамаллаштириб бориш.

Шаҳар ва гузарлардаги майдонлар, кўча ва боллар миллатлик касб этмоқда. «Мўлжаллик майдон», «Навойий боғи», «Амур Темур хивони», «Ўзбекистон миллий боғи», Буюк Турон кўчаси, «Кўсарой майдон», «Дорилфунун хивони», Амир Темур кўчаси, Мирзо Улугбек кўчаси, Маҳмуд Қошқарий кўчаси, Спитамен кўчаси (Самарқандда) набилар шулар жумласидандир.

Лекин афсуски, ҳали бу борадаги ишлар кўнгилдагидек олиб борилмапти. Биргина мисол, сўнгги икки йил ичида нашр этилган айрим дарсликларга (1993 йилда умумтаълим мактаблари ўқувчилари учун нашр этилган «Ватан адабиёти», «Ўзбек адабиёти») чет эл адабиёти вакиллари кiritилгани бизни ажаблантирди. Чунки дарсликларнинг номлари ўз мазмунига монанд эмас. Тўғри, чет эл адабиёти намояндалари Шекспир, Марк Твен, Пушкин, Лев Толстой кабилар ижодини билишимиз керак. Бизнингча, улар ижодини «Чет эл адабиёти» номи билан алоҳида нашр этиб, юқори синфларда ўқитиш маъсадга мувофиқроқ бўларди.

иккинчи деб, ажратилишни ўзи тўғримикин?

Давлат тили ҳақидаги қонунни изчил амалга ошириб бориш ҳар бир фуқаро зиммасидаги масъулят бўлиши керак. Томошабини бўлиб туриш, лоқайдлик катта гуноҳдир. Шу лоқайдлик туфайли айрим ташкилотлар, фуқаролар қонунни ҳаётга тадбиқ этишга пажна орасидан қараб келмоқдалар.

Ўзбекистондаги АҚШ элчихонасининг масъул ходими бир ярим йилда ўзбек тилида эркин сўзлаша оладиган бўлибди. Давлатимизнинг икки йиллик тўғри муносабати билан радио орқали у айтган таъриқ сўзини эшитиб қолди. Ана шу йилда фойдаланган «Фарингиз» деб қўйилган бўлибди. Яна бир тақлифимиз — барча инсооларни ўз бисотимиздан, ўз ёзма манбаларимиздан олиш жоиз.

1991 йил босмадан чиққан «Ўзбек тили» дарслиги (3-синф учун) давр талаби даражасига етказиш учун ҳали кўп меҳнат қилишга тўғри келади. Масалан, дарсликдаги «теплица», «мағанис», «панан», «кайи», «кул», «текст», «колхоз», «коллектив» каби сўзларни олайлик. Уларни «иссиқхона», «дўкон», «режа», «таътил», «нафақа», «мат», «ямаоа ҳўжалик», «ямаоа» деб соф ўзбек тилига таржима қилишнинг имкони йўқми?

Ахир бу қонун талаби-ку! Мактабларда баъзан ўқув режасидан ташқари рус тилини «иккинчи чет тили» сифатида 1—2 синфлардан ўқитиш ҳоллари учрамоқда. Чет тилларини биринчи,

ОЛИС АЛЬБИОН ЯҚИН БЎЛИБ БОРМОҚДА

Тошкентга, Ўзбекистон Президентини Исроил Каримов номига Британия Қироллиги тугроси зарб этилган иккита мактуб келди. Уларнинг бирини Бункингем саройида Буюк Британия Қироллиги Елизавета II, иккинчисини — Даунинг Стритдаги Британия ҳукумати қароргоҳидан Бош вазир Жон Мейжор йўлаган.

Муҳтарам жаноб Президент, бизга катта мамнуният бахш этди.

13 декабрда йўллаган мактубингиз учун ташаккур, Лондонга сафарингиз муваффақиятли ўтганидан хурсандим. Сиздек муътабар меҳмонни кутиб олиш

Келажакда ҳам бундай борди-келдиларимиз давом этади, деб умид қиламан. Бизнинг ҳукуматимиз сизнинг Буюк Британияга таширилингиздан кейин ўзаро муносабатларимизни янада мустаҳкамлашга интилаётганидан ҳам хабардорман.

Сизинг дўст сифатида қарловчи Қироллика ЕЛИЗАВЕТА II. Бункингем саройи, 1994 йилнинг 17 январи.

дан алоҳида қаноат ҳосил қилдим. Ўзбекистонга тақлифингиз учун ташаккур. Мавридан келганда тақлифингиздан фойдаланишдан умидворман ва келажакда назирларимизнинг ўзаро борди-келдилари доимий тус олади, деб ишонман. Бу икки томонлама муносабатларимизни кучайтириш, мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро манфаатли алоқаларни янада мустаҳкамлаш имконини беради.

Эхтиром билан
Жон Мейжор,
Буюк Британия Бош вазيري,
Лондон,
1994 йилнинг 18 январи.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

АДАБИЁТ, САНЪАТ ВА МЕЪМОРЧИЛИК СОҲАСИДА АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУКОФОТИНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасида Ўзбекистон Республикаси давлат мукофотлари қўмитасининг 1994 йилги Алишер Навоий номидаги Давлат мукофотларини бериш тўғрисидаги тақлифларига бйноан, адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги энг яхши ижодий ишлар учун 1994 йилги Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофотлари қўйилди.

АДАБИЁТ СОҲАСИДА:
Абдулла Ориповга — «Навойнома» чоркитоби «Муножот» сайланма шеърини китоби учун;
Шукураллога — «Нафансиз кўмилганлар» хотира романи учун;

саройи меъморчилик мажмуи учун;
Хошимхўжа Маҳмадйевога — меъмор;
Улаш Жалиловга — биноркор, уста, қурувчи;
Абдушукур Сатторовга — дурадгор уста, қурувчи;
Мусо Ғуломовга — меъмор — Самарқанд вилояти Ургут туманида истиқлол руҳи ва халқ ташаббуси билан бунёд этилган мил-

Евгений Григорьевич Розановга — лойиҳа муаллифи ва меъморлар гуруҳи раҳбари;
Фарҳод Юсупбеович Турсуновга — лойиҳа муаллифи, меъмор — Тошкентдаги Халқлар Дўстлиги

лий меъморчилик ва халқ амалий санъати мажмуи учун;
ХАЛҚАРО ИЖОДИ
ХАМКОРЛИК СОҲАСИДА:
Аҳсан Ботурга — туркиялик адабиётчи — Абдулла Қодирнинг «Ўтган кўнлар» романи таржимаси ва Абдулла Қодирнинг асос солган ўзбек романининг мактаби ютуқларини Туркия китобхоналари таъин қилган ижодий ишлари учун;
Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ,
Тошкент шаҳри,
1994 йил 4 февраль.



Ўзбек чиннисининг доври қадим қадимдан оламга ёйилган. Ранг-баранг гуллар, нафис нақшлар билан жиловланган, олтин қат берилган чинни буюмлар кишининг эътиборини беихтиёр ўзига тортади. Инсон иқомининг таҳсин айтмай иложини қолмайди. Маъмура Шокирхўжаева Тошкент чинни заводининг қили гул расомларидан. Янгилик, на-
фислик Маъмурахошимнинг иштилошидир.
СУРАТДА: М. Эшонхўжаева.
Ш. ИВРОХИМОВ олган сурат.

ИСТИҚЛОЛ ШАРОФАТИ ВА НАВОИЙ РУҲИ

Халқимиз орасидан чиққан ўлмас даҳо — Алишер Навоий туғилган кўтул сан арафасида Ўзбекистон бўйлаб ажойиб бир хушхабар тарқалди. Адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасида 1994 йилги Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофотларини бериш ҳақидаги Ўзбекистон Президенти Фармони шу кўнларда матбуотда эълон қилинди. Навоий мукофотига сазовор бўлган истеъдодли ижодкорларнинг юз минглаб мулкислари маданий ҳаётимиздаги бу катта ҳодисани қувонч билан кўтиб олмоқда.

Раҳматини Шароф Рашидович Рашидов турмушдаги даври деб атаган оғир йилларда Ўзбекистонда бунёд этилган кўнгилна ажойиб биволарни қуришнинг ташаббускори ва ижодий раҳбари бўлган эди. Аниқса, жаҳон миёсидан таъ олинган Тошкентдаги Халқлар Дўстлиги саройининг бунёд этилишида Ш. Р. Рашидов ҳам гоивий, ҳам ижодий раҳбар бўлганлиги қўнчилиқ на маълуьдир. Шунинг учун Ш. Р. Рашидовга ва унинг саёдошларидан бўлган ҳамда Халқлар Дўстлиги саройининг бунёд этилишида катта фойдидин қўрсатган раҳматлик Асадулла Ашрабович Хўжаевага Алишер Навоий мукофоти берилиши — яқин ўтмишга оид тарихий адолатни тиклашнинг яхши бир намунаси бўлди.

Албатта, бу улугвор ва гўзал меъморчилик обидасини яратгани Евгений Григорьевич Розанов, Фарҳод Юсупбеович Турсунов каби таълиқ меъморларнинг истеъдодлари алоҳида урин тутуди. Шунинг учун улар ҳам Ўзбекистондаги бадий ижод учун берилган энг олий давлат мукофотига ҳақли равишда сазовор бўдилар.

Бундан беш-олти йил аввал бизнинг бошимизга «Ўзбек иши» деган ном билан ёлгон тухматлар ёғдирилган пайларда Халқлар Дўстлиги саройини бунёд этган ижодкорларга ҳам асосан буюк ташаккур тақилган эди. Ма, на бугун Ўзбекистон истиқлоли ўзининг қудрати ва шарофати билан ҳақиқат нимада эканлигини, адолат қандай бўлишини

бу асарда муаллифининг ўзи ва яқин кишилар зиммасига тушган бехисоб азоб-ўқубатлар тасвири орқали очиб берилди.

Қатагон даврларида авж олган зуравонлик, рйеорлик, инсон ҳўқуқларини топташ, беғуноҳ одамларни умрбод қамонда туттиш ва маҳв этиш ҳалқларни ушбу китобда кишини ларага келтирадиган тафсилотлари билан ҳикоя қилинган. Узоқ вақт халқдан яшириб юрилган бу ҳақиқатларнинг энди ҳўжакати китоб шаклида босилб чиқши ва Алишер Навоий мукофотига сазовор бўлиши истиқлол бизга эркин нафас олиш ва ҳақиқатни қадрлаш имконини берганлиги туфайлидир.

Алишер Навоий руҳидан мадад олиб ижод қилиш Абдулла Қодирни ва Ойбекдан бошланган яхши анъанадир. Бугунги ўзбек адабиётининг янгилиги авлодлари шу кўтулге айнагани астойдил давом эттирётганини Барот Бойқодировнинг ўзи йил меҳнат қилиб ёзган «Навойнома» шеърини асарда кўрамиз. Тўрт китобга таъсилган ўнлаб минг байтларда Алишер Навоийга аталган маънавий юрислик меҳри алоҳида урин тутуди. Бу асарда Алишер Навоийнинг қадридон дўсти Султон Хўсайн Бойқар образи аввалиги даврларга хос синфийлик қопилидан озод қилинади ва тарихий ҳақиқатга бйнои янгича талқин этилади. Барот Бойқодировнинг «Навойнома» асари Алишер Навоий мукофоти билан тақдирланиши барча адабий авлодларни ҳаэрат. Алишернинг ижодкорлик даҳосига ва инсонпарварлик руҳига ҳаммиша содиқ бўлишга чорлайди.

Истиқлол шарофати билан шаҳару қишлоқларимиз дунёда тақрори йўқ гўзал қиёфалар кашф этмоқда. Бу жиҳатдан Самарқанд вилоятининг Ургут туманида халқ ташаббуси билан бунёд этилган миллий меъморчилик

қўнлардан ташқари Ойбекнинг «Навой» Ойил Еқубовнинг «Улугбек хаэиниси», Шукураллонинг «Кифансиз кўмилганлар» романининг туркчага таржима қилди ва уларнинг қўнчилигини «Арт» нашриётида чоп этирди. Унинг гайрат ва салоҳияти билан қилган таржималари томондан яхши кўтиб олинганини шундан билиш мумкинки, қардош мамлакатнинг м и л л и о н и нухсада чиқадиган энг нуфузли «Туркия» газетаси «Ўтган кўнлар»ни ўз саҳифаларида бир неча ой давомида бобма-боб нашр этди. «Кифансиз кўмилганлар» эса Аҳсан Ботур таржимасида Туркиянинг «Таржимон» деб аталадиган яна бир машҳур рўзномасида китоб бўлиб чиқадиган сўнг 500 минг нухсада чоп этилди.

Туркиянинг «Арт» нашриёти Аҳсан Ботур таржимасида яна 20 га яқин ўзбек ёзувчиларининг асарларини Туркия халқига етказиб беришни режалаштирганлиги ҳақида матбуотимиз саҳифаларида ёзилди. Шунинг ҳаммасини ҳисобга олганда Аҳсан Ботурга Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат мукофотини берилиши илдин бир тили, динг беҳад яқин икки халқнинг ўзаро меҳруқонлиги янада мустаҳкамлашга хизмат қиладиган олижаноб иш деб баҳоланишга муносибдир.

Юртбошимиз ташаббуси билан таъсис этилган Алишер Навоий номидаги Давлат мукофотларини берилиши адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасида кўрсатилган улкан ҳўрмат ва гамхўрлик тисмолидир.

Умид қиламизки ижодкор эълиларимиз бу гамхўрликка жавобан янада катта гайрат билан ижод қилдилар ва халқимизнинг маънавий қадриятлар ҳазинасини бойитадиган янги-янги дурдона асарлар яратдилар.

Паримқўл ҚОДИРОВ,
Адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги Давлат мукофотлари қўмитаси раиси.

МИРОБЛАР ТИНИМ БИЛМАЙДИ

Сирдарё вилоят сув ҳўжалиги бирлашмасининг бўлимида Марказий Мирзаўлга каналини таъмирлашга киришилди. Бу муҳим ишнинг иштирокида тиллаш учун зарур техника ва малакали кадрлар акратилди.

Янгида қўриқ вилоятдаги яна икки йирин канални таъмирлаш ишлари бошланади. Бу — шўрланган майдонларни сифатли қилиб ювиш ва уларни янги экин мавсумига тайёрлаш имконини беради.
(ҒЗА).

БОЛАЛАР САЛОМАТЛИГИНИ ЎЙЛАБ

ГИЖДУВОН тумани агросаноат уюшмаси вакиллари Германиянинг «Пипенборк» фирмаси билан шартнома тузди.

УЮШИМА шериклар билан ёш болалар учун соатига 800 килограмм озиқ-овқат маҳсулотлари тайёрлайдиган завод қуришга келишиб олди. Янги корхона учун хориклик шерикларга пахта толаси етказиб берилади.
Завод ишга тушгач, вилоят, қолаверса, республикамиздаги ёш болалар сифатли ва тўйимли таомлар билан таъминланадилар.

МИЛЛИЙ МАНФААТЛАР ВА ЮКСАЛИШ МЕЗОНЛАРИ

(Иккинчи мақола)

МАМЛАКАТНИНГ худудий-маънавий ўзига хослиги, унинг жуғрофий жойлашуви давлатнинг ҳам ички, ҳам ташқи иқтисодий ва сийосий фаолиятини амалга оширишда катта аҳамият касб этади. Давлат ўзининг айнан геополитик ҳусусиятини билан ўзгалар учун жуда аҳамиятли мамлакатлар ҳақида кўришлари мумкин. Ҳатто шундай мамлакатлар борки, уларнинг фаровонлиги бутунлай геополитик ҳудудий жойлашганга асосланган. Бир сўз билан айтганда, давлатнинг геополитик ҳусусияти, агар у, тўла аниқлиги, тўри фойдаланилса, мамлакатнинг сийосий-иқтисодий тараққиёти омилларидан бирга айланади.

Илгарилари тадқиқотчиларда мамлакатнинг сийосий ва иқтисодий фаолияти унинг жуғрофий имкониятларига боғлиқлигига бир ёқлама ва ўта жўн ёндашган бўлса, бугунги кунда давлат фаолияти билан маънавий ўзаро боғлиқлигининг ангагина мураккаблашган нукта назарлари олға сурилган. Бу, аввало, ҳозирги даврда коммуналция тизимлари ва имкониятларнинг мураккаблашганлиги, ахборот технологияси аҳамиятини ошганлиги, иқтисодийнинг дунё миқёсида кўтарилаётгани ва мамлакатларнинг ўзаро боғлиқлиги кучайганлиги билан алоқадордир.

Геополитикага системали ёндашув шунга талаб этадики, алоҳида мамлакат ва минтақаларни улар амалда кирган ва салоҳияти жиҳатдан кириши мумкин бўлган иқтисодий-жуғрофий ва сийосий алоқалар умуумиятида таҳлил қилиш лозим. Марказий Осиё ва Ўзбекистон бу борада

давлатнинг турли муҳим геополитик ва геостратегик қисми сифатида намоён бўлмоқда. Дунё миқёсидаги геополитик ва геостратегик тузилмаларда тарихий қисмларнинг ҳар қандай ўзгариши бутун тизим фаолиятига акс этади. Шу боис ҳозирги замонда давлатнинг иқтисодий ва сийосий аҳамияти унинг ўзи қўшилган иқтисодий-сийосий алоқалар билан ҳам белгиланади. Бошқача қилиб айтганда, Марказий Осиёда Ўзбекистонда юз берадиган воқеалар жаҳоннинг буюк давлатлари, турли геополитик тузилмаларга ҳам бевосита дахлдордир.

Совет Иттифоқи пароканда бўлгач, Евроосиёнинг бутун геополитик ҳолати ўзгариб, маъмулий ва сийосий вужудга келди. Евроосиё кенглиги марказида бўлган Марказий Осиё тобора кўпроқ мустасил геополитик манзара ва аҳамият касб этмоқда. Ўзбекистоннинг Марказий Осиё ўзига сифатдаги миллий-давлат манфаати шундан иборатки, бу минтақада геополитик бўлиш, маъмулий ва сийосий вужуд бўлмасин, Ўзбекистоннинг ва Марказий Осиё минтақасининг геополитик аҳамиятини фалст тушутиришимиз агар керак бўлса, тарғибот қилишимиз зарур.

Совет Иттифоқи ўрнидаги геополитик маъмулий ҳақида гапирганда шунга таъкидлаш жоизки, кўпгина Ўзбекистон мамлакатлари, айниқса, АҚШ ҳозирги пайтда асосан Россияга нисбатан қизиқиб билирмоқда. Буни тушуниш мумкин, албатта: Россия улкан иқтисодий, ҳарбий-сийосий қудрати билан буюк давлатлигича қолмоқда ва у билан аниқлашган яхши қўшничилик алоқаларини мустаҳкамлаш Ўзбекистон учун ҳам биринчи даражада аҳамият касб этади. Айни вақтда Ўзбекистон мамлакатлари аввалги совет жумҳурийлари — ҳозирги мустасил мамлакатлар, шу жумладан, Марказий Осиё давлатларига ҳам кўпроқ қизиқиш билан қарашлари керак, деган фикрлар Ўзбекистонда тобора кўпроқ эшитилмоқда. Зеро МДҲ доирасида ўрнатилган алоқалар ҳисобга олинса, бу фикр, ҳатто Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги иқтисодий ва ҳарбий-сийосий муносабатлар нуктаи назардан ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Ҳозир дунё аҳамиятига молини янги геополитик тизим сифатидаги Марказий Осиёни вужудга келтириш борасида муҳим қадам қўйилди. Ўзбекистон, Қозғоғистон ва Қирғизистон ҳудудига юзага келмаётган ягона иқтисодий макон ҳам беҳисоб геополитик аҳамиятга эга бўлади. Энди Марказий Осиёдаги интеграция жараёни янада чуқурлашишига катта имконлар яратилди. Марказий Осиёда геополитик бирлини таъминлаш бутун минтақанинг ҳам, унга кирувчи мустасил давлатларнинг ҳам миллий-давлат манфаатларига мос бўлиб туради.

Марказий Осиёдаги транспорт коммуналцияларига оид аҳвол ҳудудга мураккаб. Денгиз портларининг йўқлиги, айниқса, Жануб, Шарқ, Ғарб йўналишларида магистрал, темирйўл ва автомобиль йўлларининг ривожланмагани бевияни ҳам иқтисодий, ҳам сийосий имкониятларимизга таъсир этмай қолмайди. Бу танқислик

Ўзбекистоннинг халқаро авио-коммуналция борасида қўлай жуғрофий жойлашганлиги, шунингдек, ҳозирги замонда телекоммуналция ва ахборот технологиясининг аҳамияти ўсиб бориши ҳисобига маълум даражада қолдирилмоқда.

Кейинги воқеалар шунга кўрсатмоқдани, Ўзбекистон ҳукумати Шимо ва Жануб, Шарқ ва Ғарб ўртасида темирйўл ва автомобиль магистрал алоқа йўллари қўриқсини, коммуналциявий имкониятларимиз денгиз портларига чиқишининг аҳамиятига кўн эътибор қилимоқда. Бунда Президент И. Каримов катта раҳбарлик қўрсатаётди. Манфаатдор мамлакатлар билан ҳамкорликда айрим лойиҳалар устида ҳозирда амалий ишга киришилди.

Ҳақонда юз бераётган сийосий ва иқтисодий ўзгаришлар давлатнинг геополитик ҳаритасида ҳам ўз аксини топти. Чунончи, Шимолий Америка ва Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатлари иштирокчида яқинда тузилган «Осиё-Тинч океани кооперацияси» ҳам шу минтақалар, ҳам Европа мамлакатлари билан қўрилмоқда иқтисодий жиҳатдан, яқинлашувимизга имконият яратиб беради. Гап шундаки, ҳақонда энг қудратли иқтисодий қўш ҳисобланган Осиё Тинч океани ва Европа минтақаси мамлакатлари янги шартларда ўзаро савдо-сотиқ қилиш учун янги транспорт имкониятларини язадилар. Ғарбий, Жанубий-Шарқий ва Жанубий-Шарқий Осиё ўртасидаги темирйўллар яқин келажакда Марказий Осиё орқали ўтиб, ана шу имкониятлардан биринчи рўбга чиқаради.

Шундай қилиб, биз Марказий Осиёдаги бундан бунгиге геополитик ўзгаришларнинг олдидан билдишимиз ва бунга тайёр туришимиз лозим. Қўйиб, шомол ва бошқа ноанъанавий энергетика турларининг ривожланиши билан қўрилмоқдаги йўлларнинг жаҳон миқёсидаги савдо-сотиқда деярли йўқолиб кетган аҳамияти қайта тикланиши ва тарихий Буюк Ипак йўлининг яна қайта туғилиши учун янги нобъ имкониятлар яратилиши асос бўлади.

Алишер ҒАЙЗУЛЛАЕВ, доцент.

• Депутатлар ҳақида ҳикоялар

БАЪЗИДА ПОДАЧИЛИК ҲАМ ҚИЛАДИГАН ДИРЕКТОР

ЁКИ КИЛОСИ... 45 СЎМЛИК ГЎШТ

1. Сурхондарёда музработлик Ўзбекистон халқ депутати Қўрбон Амриқулловни яхши билишди. Унинг машҳурлиги тўғрисида, энг яқин одамга ҳам маломали гапни дангал айтиши тўғрисида.

2. Амриқулловни «Халқ сўзи»га ўтганидан кейин танидим. У ҳақида «Алининг майдон» номли мақолани биринчи учрашувдан сўнг ёздим. У чоп этилгач, кўндан-кўн ташаққурлар билан бирга... тавбех ҳам эшитдим. Бундай муносабатларга қўнчиқ қолганим учун нарво қилмай, Қўрбон ақалини туғулган шундан кейин музработга боравердим. Сўхбатлар эса гоят самимий бўлар, у кишининг ҳаракатида, гап-сўзларда ялтоқланиш, хушомадгўйликдан асар ҳам сезилмасди.

3. Термиз гўшт комбинатининг бош директори Абдуҷаббор Ҳасанов айтди: «Саксониячи йиллари вилоят дон маҳсулотлари идорасида раҳбарлик қилардим. Ҳозирги билан, ҳар тўманда дон қабул қиладиган идораларимиз бор. Гагарин (Музработ) туманидаги заготзерномиз гоят ноҳор, бунинг устига бошлиққа элчмас эди. Лекин табиийки, бундай элчиде ишлашга иштиёқманлар кўп бўлади. Аммо менга оғини ерга маҳкам босиб ишлайдиган, қоронанинг қувватини оширадиган бир одам керак эди. Гўйибона Қўрбон ақали танидим. Сўраб, кузатиб, у кишининг ишчанлигини ҳам, қайсарлигини ҳам билдим. Ишни бошлашдан олдин... менга ҳар хил шартлар қўйди: «Ҳамма ишмига аралашавермайси, бўлган-бўлмаган топириқларини бермайси». Гарчанд бундан раҳбарлик гуруҳимиз талофат кўрса-да, Қўрбон ақалини бизда ишлайдиган катта манфаат кўришимиз аниқ эди.

4. Абдуҷаббор Ҳасанов айтган гаплар саксон тўрттинчи, саксон бешинчи йиллари бўлган эди. Амриқуллов туман дон маҳсулотларини қабул қилиш идорасида иш бошлаганидан дон сақлаш мумкин бўлган замонвий омборнинг ўзи йўқ, ҳамма маҳсулот очiq ҳавода сақланарди. Иморот қилиш ўша йиллари ҳам ҳозиргидек осон бўлмас-да, аввало қорхонага бир эшикдан кириладиган бўлиб, Илгари унинг истаган жойидан кириб, истаган жойдан чиқиш мумкин эди. Бунинг учун у метр баландликдаги, бир миғ саксон юз ўн икки метр узунликдаги темир-бетон девор ўрнатилди. Саксон бешинчи йилнинг февраль ойида шолони оқлайдиган цех ишга тушди. Ун икки миғ тонна шолони сақлаш мумкин бўлган омбор қўрилди. Бир-икки йил ичнда ўн саккиз миғ квадрат метр жой асфальтланди. Пул қафат асфальт сотиб олиш учун харажат қилинди, қолган юмушларнинг ҳаммасини ўз кучлари билан бажаришди. Икки йилда омхига эм ишлаб чиқариладиган қорхона, ҳаммом, ҳар қайсиси икки ойлага мўлжалланган йигирма учта уй қўрилди. Бу борада бошдан қараса адоғи кўринмайдиган, ичнда «КамАЗ»лар ҳам ўйнаб юрадиган бир нечта оёмборлар қад кўтарди. Иккита қудуқ қазиб, лозим бўлган ҳамма жойга қувурда сув олиб борилди.

5. Абдулло Орипов Қаршиннинг чўли баҳорда чиройли бўлади, дейди. Мен Сурхон-Шеробот йўлида баҳорда ҳам, ёзда ҳам, қузда ҳам, қишда ҳам бўлганман, лекин унинг гўзаллигини ҳайратга тушиб, ёна ушламаганман. Чунки бу ерлар осмонга бир парча булут чиқса, терлаб ётади; ер ости сувлари йил сайин кўтарилиб омаётган. Пойдевори бир қарич уйлар одамнинг кўзига худди ерга сингиб кетаётгандек бўлиб кўринаверади.

Аммо Қўрбон ақалининг ишончасига кирсангиз тамомла бешта манзарани кўрасиз. Икки дарахтлик маъмурий иморат «қолиб» кетган. Менга маънавиятчиларига, Амриқуллов келмасдан илгари бу ер афлат тўқилмаган жой бўлган. Бутун бу боғда биргина ўрнингнинг ўн навида топиш мумкин. «Чилги» дегани йигирманчи майда ишса, баъзилари пахта теримида қўшайди. Шафтолони айтаманми? Воғнинг хусни — шотутлардир. Мен бир нарсасга ҳайрон қоламан: нега бу шотутлар, бу шафтоллар, бу зардоллар, бу ёнғоқлар бодоғлар чўлининг бошқа жойларига ўсмайди?

6. Шу ўрнида қорхонанинг ердими ҳўналгани ҳақида гапирмоқ лозим бўлади. Саксон тўрттинчи йили ўзаро саккиз миғ сўм пул йўқ, боғдорлар ун уч бош қорамол олинган эди. Ҳозир улар 380 дан ошди. Молхоналарнинг жами узунликдаги бир чакқирмо эллик саккиз метр. Ҳар сафар Музработга борганимда вақт топиб, Қўрбон ақалининг молхонасини ҳам томоша қиламан. Бу ердаги барча қурилиш-монтаж ишлари қорхона хизматчилари тарафидан амалга оширилган.

Молхоналар гоят ибтидоий ва андозасиз қурилган: паст, томи похол билан ёпилган. Бу — қишда иссиқ, ёзда эса салқин бўлишини таъминлайди. Менга

7. Амриқулловнинг моллари йил бўйи сийос эйди. Бу ерда боқилаётган мол мол бўлганлигидан ҳеч қачон пушаймон бўлмайди, деб қулган эдим бир марта. Сурхондарёда мен қўриган ферма ҳеч қайда йўқ. Бу ерда бирор ҳовуч емши молнинг оёғи остига тушмайди. Ва ҳеч қачон шунча молнинг биттаси ҳам харом ўлмайди. Аммо бу ватхизматнинг зўригидан эмас.

8. Ҳар ойда икки-уч мол сўйилиб, хизматчиларга тарқатилади. Авваллари кило икки ярим сўм эди. Ҳозир бозор иқтисодигаги ўтирилганидан бери қирқ беш сўм қилиб қўйишди. Пулини ҳисобчи оиладан ушлаб қолади.

9. Қирқ беш сўм сотганидан кўра, беул қилиб қўйилганинг ҳам бўларди-ку? — сўрайман Қўрбон ақалидан.

10. Шундай қилса ҳам буларди-ку... Аммо «Амриқуллов нега одамларга беул гўшт беради?» деб ёздиганлар ҳам топилиб қолади.

— Энди айтинг-чи, нега гўштини бундай арзон сотаёلسиз?

— Ростини айтсам, бизда мол боқадиган одам йўқ. Бунча молни қўриган одам, «Амриқулловнинг ўттиз-қирқ молборари бўлса керак» деб ўйлайди. Биласизми, ҳамма ишни заводнинг одамлари қилишади. Навбат билан. Вақти келса, мен ҳам қарайман. Бунинг айби йўқ; одамларимиз ўрғаниб қолишган, Хашани ҳам шундай тартибда тайёрлайди. Демки, ердими ҳўжаликка ҳаммасининг меҳнати сингган. Шундай бўлганидан сўнг беул олишга ҳам ҳақини бор-да. Сотиб олинган сутининг бир қисmini ишчиларга беул бераман. Битта мактаб таъминотида турибди. Ундан ортганини давлатга сотамиз.

8. Энди Қўрбон Амриқуллов раҳбарлик қилаётган қорхонанинг тахминий қиёфаси кўз олдиндага намоён бўла болади. Сиз тасаввурингиздаги манзараларга қарийб бир кетгани эгаллаб ётган ойнаванд лимонхона қўшиқ. Ниҳоллар ёш бўлгани билан нишона хосили бор. Бу ердаги вагонлар «Ўзгег» билан келишини айтсам, манзара батамом тикланиши. Темир из билан юраверсангиз, ҳар икки тарафда турли йўналишда қувурлар уюлиб ётганини кўриб, тағин сиз бу ерда қувур ҳам ишлаб чиқаришга эга-де, деб ўйланган. Улар Россиянинг узоқ ўлкаларидан минг бир азоб билан олиб келинган. Яна бир нарсасга эътибор беринг: ҳўли нақчалар катта бўлмасин (айланаси 1800 метр) озода, бу темир-терасалар, биз отини ҳам билмайдиган буюмлар шу даражада қўнқи... аммо буларнинг бирориси ҳам ўз ҳолида ётган йўқ. Атрофдаги саранжом-сарилатилган кўнглингиз кўтарилиб кетади.

9. Ҳовлида ивирсиб юрган бирорта ишчини кўрмайсиз. Дарвоза қорувли ҳам баландда туриб эшикни очиб-ёпади; истаган одам унинг ҳар бир ҳаракатини кўзатиши мумкин. Қоруву эса ҳамминан худди дастурхондагидек... кўриб туради. Иш шундай ташки қилинганки, бу ерда ўғрилди, яъни таъминчилик қилишининг мутлақо иложи йўқ.

10. Мана кўриб турибсиз, Қўрбон ақалининг қорхонаси ҳақидаги тасаввурларини тобора равшанлаштириб бормоқда. Ва сиз ҳайрон бўласиз: Қўрбон ақали бундай натижаларга қандай қилиб эришди? Чунки унинг соғин сиғирлари ҳам худди эртага сўйиладиган бурдоқча ўхшайди. Мен сизга айтсам, бу ерда ҳар бир одам уч-тўрт ҳунарни ўзлаштириб олган: талаб шундай. Омбор мудир билан оидий юкчи эга бўлган иттиёлар ўртасида тафозути йўқ. Бир гал ердими ҳўжаликда сўғин боқилмаган жойни ҳам қўришни дедим. «Жарр-жарр» эъти бир темирчи пайвандалаб ётган одамни ўша молхона и билдирмасдан билиб олмақ учун гапга тутдим. Бироз гурунлашганидан сўнг пайвандачи завод бош муҳандиси эканлигини билди... ажабланидим, аммо ҳайрон қолмадим. Директор бугунга сиз қўниб юрганда, бош муҳандис пайвандачилик қилса нима бўлти? Ҳали мен сизга айтмадим, Қўрбон ақалининг ердими ҳўжалик бўйича ўрнбосари қўрибданма макна ўради, соғилган сутини аввал мактабга, кейин давлатга топиради, сўнг подачи сингари молларга қарайди.

Бир кун у кишининг қандай замонда яшаётганини эсдан чиқарган иккита ҳаммаси — «Амриқуллов вилоятнинг фондини заводига обориб қилиб қўйди», деб юқори идоратга арз қилди. Шолининг равишида вақолати қомисини тузилди. Ҳамма ённинг тит-питини чиқариб юборишди. Айтманлар... «Қўрбон Амриқуллов тамом бўлди!» деб... байрам ҳам бошлашди. «Текшириб текшириб Қўрбон ақали вилоят фонидан бир кило ҳам қувур олмаганининг аниқлашди. Ҳалинг икковлон эса ҳатто уэр сўрашмади ҳам...»

10. Қўрбон Амриқулловга ўхшашган одамларга ҳалақат берилмас, бўлди, шунинг ўзи улар учун энг катта ёрдам.

Тожиқдин РАЗЗОК, «Халқ сўзи»нинг мухбири.

Президент фармонлари амалга «БОЛАЛАР ДУНЁСИ» БОЗОРГА КИРАДИ

Республикадаги болаларга мўлжалланган молларнинг сотишга иқтисослашган йиринк «Болалар дунёси» дўконини ёпиқ турдаги акционерлик жамиятига айлантирилди. Бундан бунгиге меҳнат жамоасининг дўкон ақчасини сотиб олган ҳар бир аъзо эса вужудга келган у ёки бу муаммони ҳал қилишда ўз овозига эга бўлибгина қолмасдан, қорхонанинг тижорат муваффақиятидан бевосита манфаатдор ҳам бўлади. Президент Ислам Каримовнинг яқинда эълон қилинган фармони туғрисида хусусий мулкдорлик ҳуқуқини қўлга киритган савдо ходимлари энди ўз ҳуқуқини шу тартиққа амалга оширади.

«Болалар дунёси» акционерлик жамияти раиси М. Сайфуллаев ҳозирги бозор муносабатлари шароитида харидорга хизмат кўрсатиш маданияти оширилган ва пештахталарда товарлар кўпайтирилган тақдирда

ҳолда келар, биз умуман таъминот масаласи билан шуғулланмас эдик. Ҳозир эса вазиет кескин ўзгариб кетган. Энди ўзимиз ташаббус кўрсатишимиз, ишлаб чиқарувчилар билан алоқа боғлашимиз зарур. «Тошкентсавдо» савдо-ишлаб чиқариш концерни ҳам бизни у-бу нарса билан таъминлайди, албатта. Аммо бу етарли эмас.

Яқинда бўлиб ўтган республика йармасида «Болалар дунёси» Ўзбекистондаги қирғи қорхона билан маҳсулот етказиб бериш хусусида шартнома тузди. Уларнинг барчаси акционерлар олдига ягона, аммо қаттиқ талаб —

олдин пул тўлайсизлар, кейин маҳсулот етказиб берилади, деган талабни кўришди.

— Лекин пул молни сотганимиздан кейин тушади, ахир... — деб давом этади М. Сайфуллаев. Бундан ташқари, республика Вазирилари Маҳмадининг қарорига буюнган болалар қийматлари иттиёлар нархда сотилиши керак. Кўриб турибсизки, бу тартиқ бизнинг товар сотиб олишга пул тўлашимиз қийин.

Акционерлик жамиятига қарашли барча дўконлар ақил бўлиб, яқинлик билан ишлайти. Мол учун пулни Чорсу бозори

яқиндаги бош магазинида тўлайди. Бироқ яқин орада тўқтинчи филлимининг барчаси банкда ўз ҳисобини очиб, шахсий ташаббус кўрсатиши ҳам мумкин.

Акционерлар яқин орада ўз фаолият майдонини янада кенгайтириш ниятида. Улар ўзлари болалар қийимини тикши цехини очинишмоқчи. Бу «Болалар дунёси» пещтахталарини янги моллар билан тўлдирини шубҳасиз. Бундан ташқари, республика Вазирилари Маҳмадининг қарорига буюнган болалар қийимлари иттиёлар нархда сотилиши керак. Кўриб турибсизки, бу тартиқ бизнинг товар сотиб олишга пул тўлашимиз қийин.

И. САФАРГАЛИЕВА, 5-А мухбири.

ДУОЛАРИ ИЖОБАТ БЎЛСИН

БМТ Бош Ассамблеяси 47-сессиясининг қарорини билан 1992—2001 йилларнинг биринчи октябрга Халқаро қариялар кунини деб эълон қилинган.

Ўзбек халқида ёш улуг иншиларни ҳурматлаш, қарияларга нисбатан раҳм-раҳиқ кўрсатиш каби инсоний фарзандлар азал-азалдан мавжуддир. Қолаверса, у йил-иқтисодийнинг асоси ҳамдир. Нуруний отахонлару онахонлар доимо эл-юрт фахри бўлиб келишган. Кимдир бирор юмушга қўл урмоқчи бўлса, аввало кескалардан маслаҳат сўрайди. Қари билганини пари билмас, деганларидек, улар ўзларининг бой ҳаётини тажрибаларидан келиб чиқиб, дуоно насиҳатлар беришади, доно халқни ижобат бўлган.

Бугунги кунда ҳам жамиятимизда қариялар турмушини яхшилаш борасида аниқ чора-тадбирлар белгиланади, амалга оширилмақда.

Республикамизда истиқомат қилаётган қарияларнинг ҳозирги бозор иқтисодий шароитида иқтисодий муҳофаза қилиш ҳамда уларнинг бегашини ўқ кечиринлари учун ҳар хил ҳаётдан етарли шарт-шароитлар яратиш бериш мамлакатимиз Президентининг ҳамда ҳукуматининг доимий диққат-эътиборида эканлиги ҳаммаимизга маълум. Бу борада айниқса кейинги икки-уч йилда амалга оширилган ишлар кишини қўвиқтиради. Кескаларимиз олдидан пенсия ва нафақалар миқдорининг босқичма-босқич ошириб берилиши, уруш ва меҳнат фахрийлари ҳамда ўзгалар ёрдамига муҳтож бўлган ёлғиз истиқомат қилувчи қарияларга давлат томонидан қатор имтиёзлар

берилганлиги фикримизнинг далилидир. Юртбошимизнинг 1993 йил октябр ойида қабул қилган «Халқаро қариялар кунини муносабати билан республикамизнинг кеска фуқароларини моддий рағбатлантириш тўғрисида»ги Фармони эса мавжуд иқтисодий адолатни яна бир қарра тасдиқлади.

Яқинда мақзур Фармон ижроси жойларда қай даражада амалга оширилганлиги республика Давлат назорати қўмитаси томонидан ўрганиб чиқилди. Текширувлардан шу нарса аён бўлдики, вазирилари, қорхоналар, намоён ва давлат ҳўжаликлари, идора ва ташкилотларда ушбу ҳужжат ижросини таъминлаш юзасидан лозим бўлган барча чора-тадбирлар қўрилмоқда. Аниқланганича, республикамизда 2 миллион нафардан зиёд кеска фуқаро бўлиб, уларнинг 260 миғ нафари халқ ҳўжалигининг турли соҳаларида меҳнат фаолиятларини давом эттирляпти. Қолган 1 миллион 750 миғ нафари эса нафақа олиб, қариллик гаштини бурсмоқда.

Молия бошқармалари томонидан юқоридаги фармон асосида кеска фуқароларини моддий рағбатлантириш учун маҳаллий бюджет ҳисобидан сарфланадиган маблағлар вилоятлар, шаҳар ва туманлар иқтисодий таъминот бўлиминининг ҳисоб-китоб рақамларига тулинчага туширилган. Шу йилнинг 1 январига ҳа бўлган текзор маълумотларга кўра, Фармон асосида Иқтисодий

таъминот вазирилги тизимиди муассасалар томонидан 1,34 миллион нафар кеска фуқаролар олаётган пенсияларининг 50 фоизи миқдориди пул муқофоти билан рағбатлантирилган. Ушбу мақсадлар учун республика ва маҳаллий бюджетлар ҳисобидан 17 миллиард 500 миллион сўм маблағ сарфланган.

Меҳнат фаолиятини давом эттираётган қариялар эса қорхона ва ташкилотлар ҳисобидан муқофот пули олдлар. Вилоят, шаҳар ва туман ҳўқимиятларида, қорхоналар, ҳўжаликлар, муассасалар ҳамда ташкилотларда белгиланган тадбирлар асосида кеска кишилар билан учрашувлар ўтказилмоқда. Бундай тадбирлар чоғида уларга табриқнома ва совға-саломлар топирилиб, моддий ва маънавий томондан рағбатлантирилмоқда. Мисол учун, Сирдарё вилоятининг Гулистон шаҳри ва Ховос туманларида турли байрамлар ва маросимлар чоғида ҳўқимиятлар томонидан қарияларга ҳар хил совға-саломлар топириш аниқанага айлана қолган.

Аммо шунга ҳам таъкидлаш лозимки, текширув чоғида яқобий ишлар билан бир қаторда айрим ҳато ва камчиликларга ҳам йўл қўйилганлигининг ҳужуми бўлди. Республика Давлат назорати қўмитаси, унинг тизимиди бошқарма ва инспекциялар томонидан ушбу масала юзасидан аниқланган барча ҳато ва камчиликларни бартараф этиш чора-тадбирлари қўрилди.

Меҳмон РАҚМОНОВ, республика Давлат назорати қўмитаси бош инспектори.

КИТОВ ЖАВОНИНГИЗГА САККИЗ БЎЛИМДАН ИБОРАТ

Республикамиз мустакилликка эришгандан кейин диннинг иқтисодий-психология томонлари, унинг жамият тараққиёти, одамлар онига тутган ўрнини тақдир қилишга эътибор кучайди. Фалсафа фанлари номлари қариндош-уруғчилик аниқаналари каби масала-

лар илмий таҳлил қилинган. Муаллиф диний психология муаммосини тарихий жиҳатдан ўрганиш билан ҳозирги демократик жамиятда намоён бўлаётган қатор масалаларни илмий-методологик жиҳатдан тақдир қилишга интилади.

Мазкур тадқиқотнинг муваффақиятли томонларидан бири шундаки, унда диний психологиянинг шаклланиш жараёни кишиларнинг ишаш шарт-шароити, миллий, эт-

ник ҳусусиятлари, аниқана ва урф-одатлари ҳисобга олинган ҳолда тақдир қилинган.

Ўзбек оиласи турмуш тартиби, ўзаро муносабатларида диний эътиқод, аниқана ҳамда ахлоқ-одоб асосий ўрин эгаллаши ҳеч кимга сир эмас.

Асаринг яна бир муҳим томони шундаки, муаллиф таллашган масалани талдин қилишда Марказий Осиё минтақасида истиқомат қи-

лаётган халқларнинг тарихий аниқаналарини ўрганиш билан бирга янги шароитда диний маросимларнинг кишилар онги, турмуш тартибга таъсири масаласини ҳам назардан четда қолдирмаган.

М. ОЧИЛОВ, профессор, Н. ЭРГАШЕВ, доцент, А. ЭРГАШЕВ, доцент.

Меҳр-шафқат кунда керак

ДУНЁ ЭЗГУЛИКДАН ЯРАЛГАН

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан республика Қизил Ярмоя жамиятига маблағ йиғиш хайрия ўн кунлиги ўтказилди. Бу тадбирнинг асослари ва жамият амалга оширган ишлар ҳусусида жамоа аъзолари билан суҳбатлашдик.

Уктамон ВОҲИДОВА, жамият раиси:

— Хайрия ўн кунликларини мунгазам ўтказиб туриш — ер юзининг жамият мамлакатларидаги Қизил Хоч ва Қизил Ярмоя жамиятларида доимий анъанага айланган. Жамоамиз ҳам бундан мустоас эмас. 1992 йил декабр ойида шу тадбир асосида 100 миллион сўм жамгарган эдик. Бу маблағларнинг ҳаммаси муҳтож фуқароларнинг қорихайрига сарфланди. Ногиронларга 10 миллион сўмлик аравачалар ҳада этилди, қариғанда муҳтожликда қолганлар ҳамда кўп болали оилаларга 40 миллион сўм маблағ моддий ёрдам тари-

қасида сарфланди. Табиий офатдан зарар кўрган фуқароларга 20 миллион сўмлик ёрдам кўрсатилди. Урушларда жабрланган тожик биродарларимизга 30 миллион сўмлик озиқ-овқат, кийим-кечак етказиб бердик. Энди, 1993 йил декабр ойида ўтказилган тадбирга келсак, ҳозирча қасида 350 миллион сўмдан кўпроқ пул жамгарилди, ҳисобимизга хайрия маблағларининг тушиши давом этмоқда. Табиийки, бу бизни янги хайри ишлар сари илҳомлантиради.

Халқро Қизил Хоч ва Қизил Ярмоя федерациясига аъзо бўганимиз боис вилоятлардаги 1700 нафар ҳамширамизни ушбу тадбир билан таъмин-

лаб келаяпти. Мен япониялик хайричиларини алоҳида, самият билан тилга олганим истардим. Утган йили бу тадбирга номидан йилга 10 миллион АҚШ доллари, Германия ва Швейцария Қизил Хоч жамиятларидан миллион марка баҳосида табиий ускуналар ва дори-дармонлар келтирилди.

Биз бу хайриятни ўз эгалари қўлларига етиб боришни таъминлашимиз. Ўтказилган тадбирлар натижасида республикамизнинг 500 дан ортиқ шифохоналарига ёрдам кўрсатилди.

Собир КОМИЛОВ, болалар билан ишлаш бўлимининг катта инструктори:

— Меҳр-оқибат хайрия миқдори билан ўлчанмаганидек, жамоа ёки фуқаронинг саховатпешалиги қанча садақа бергани билан баҳоланмайди. Зеро, инсон-

даги меҳр-муруват болаланинг шаклланишига, катталар бу инсоний хислат уруғини мурғаб қалбларга экаялик, токи у йиллар ўтиб, ўз мевасини берсин.

Республиканинг кўплаб мактабларида бизнинг «Меҳр» деб номланган гуруҳларимиз фаолият кўрсатаёпти. Улар ёлғиз қариюрларга, умуман, ёрдамга муҳтож оилаларга кўмаклашаётганлар. Утган йил мобайнида мамлакатимиздаги 250 та етим-есир болага банкларда ҳисоб дафтрасини очдик. Бундан ташқари, ёш қизларимизни ҳар йили хоризга илм олиш учун юбораямиз. Улар ўқиш давомида меҳр-шафқат ҳамшираси касбини эгаллаш билан бирга чет тилларини мурдирди. Қорақалпоғистон Республикасига жўнатилган бу хайрият очми жараёнида 84 килограмм махсус-

хабар. Улар воёта етгачи-на бунга моҳиятини англаб ета бошлайдилар. Шу ой сўнггида ёшлар орасида санитария-гигиена тарбияси, турли юқумли касалликларнинг олдини олиш, аҳоли орасида ҳолис донорчиликни тарғиб қилиш мақсадида эмтақат таълиқни ташкил этмоқчимиз. Голлар албатта муқофоланади.

Владимир ДВОРКИН, жамият раисининг муовини:

— Бизни кишилардан хайриятлар ўз эгалари қўлига етиб бораётгани, деган саволини эшитишга тўғри келади. Ҳа, етиб бораёпти. Бизнинг вакилларимиз уларни ҳар бир туман шифохоналарига тарқатишда фаол иштирок этаётилар. Кейин буладиган босқич аса у ердигиларнинг виждонига боғлиқ, албатта. Лекин ҳар хил нохуш воқеалар ҳам бўлиши мумкин экан. Масалан, утган йили жамиятимиз номига Япониянинг «Қизил Хоч меҳр-шафқат жамияти»дан контейнерларда 1—3 ойлик чақалоқлар учун 605 тонна қуритилган сут келтирилди. Қорақалпоғистон Республикасига жўнатилган бу хайрият очми жараёнида 84 килограмм махсус-

лот етишмаслиги аниқланди. Биз бу камоманинг қаёққа кетганини аниқлаш мақсадида текширув ўтказдик ва шу масалада Япониядаги хабар бердик. Тез орада Германиядан бизга хат келди. Маълум бўлишича, Япония Қизил Хоч жамияти бу хайриятни Германиядан сотиб олиб, бизга юборётган экан. Германиядан келган хатда янгиликларнинг учун улар сўралган ва бу кам нарсаларни тезда жўнатишларини айтишган. Хоризлик дўстларимизнинг меҳр-саховатига таъсин айтмай илож йўқ.

Яна бир гап. Хориздан келтирилган 605 тонна қуритилган сут режа бўйича жумҳуриятимиздаги 1—3 ойлик чақалоқларни бир йилгача таъминлашга етар эди. Афсуски, баъзи жойларда бундан паллартмиқ фойдаланиш оқибатида бир ой ичида тамоом қилинди.

Айтмоқчиديمки, бизнинг жамиятимиз ўз вази-фасини холисона бажариб келаяпти. Мақсад — аниқ аввало юртимизда тўқинчилик бўлсин.

Суҳбатни «Халқ сўзи» мухбири Юсуф ҲАМИДОВ ёзиб олди.

ХУКМ ҚАТЪИЙ: БИНО... ЙЎК

ЕКНИ ЕРДАМГА МУҲТОЖ... СУДЪЯЛАР

ЖИЗЗАХ вилоят суди жойлашган бино 1870 йилда Мирзачўл темир йўли станцияси учун қурилган экан. Юз эллик йилдан бери бу бинога қўчиб, келиб-кетмаган ташкилот кам қолди, десак хато бўлмайди.

Охири, жой топилмагач, 1979 йили вилоят суди шу «тарихий» бинога жойлаштирилди. Ундаги шариоит суд ишларини, мажлисларини олиб бориш таълиққа жавоб бермайди. Бир томонда деҳқон бозори, иккинчи томонда автотубус кечкларни. Шовинчиликнинг шовинчиликни қўйиб, 2—3 судья бир жойда ўтиради. Аслида, 12 нафар судьянинг ҳар бирига алоҳида хоналар бўлиши керак. Судьяларнинг олиб бориш учун камда 4 та зал бўлиши лозим. Бу мақсадда атиги 2 та кичик-кичик хона акратилган, холос. Суд жараёнини ўтказишда махсус залларнинг йўқлиги сабабли бир махсус ҳукм ўқилмасдан қочиб кетганди ҳам.

Вилоят суди учун янги бино қуриш юзасидан 1992 йили лойиҳа-ҳужжатларини расмийлаштириш тўғрисида кўп гап-сўзлар бўлди. Аммо маблағ масаласи ҳал этилмади. То янги бино қурилиши муаммоси ҳал этилмагунча қадар вилоят судига қулайроқ, йўриқнома талабларига жавоб берадиган бино топиб бериш ҳақида шаҳар ҳокимиятига кўрсатма берилди. Республика Адлия вазирлигининг мактуби ҳақон натижасиз қолмоқда. Шаҳардаги бир неча қаватлиқ болахонали уйлارга аллақандай тижоратчи ёки кооператив, маиший ҳизмат салонлари, кичик-кичик хусусий корхоналар жойлаштириб юборилган адолат посбонлари учун сира жой топилмапти.

Ўзбекистон Республикасининг «Судлар тўғрисида»ги Қонунининг 80-моддасида «Ҳар бир суд алоҳида бино ва автотранспорт билан таъминланади», дейилган. Ҳали судьяларнинг уй-йўли билан таъминланиши, телефонлаштириш, транспорт муаммоларини қўяганини йўқ. Аммо одил судловнинг қатъий, қонуний тартибда амалга ошириш учун, энг аввало, унга етарли шарт-шароитларни яратиб бериш керак-ку, ахир.

Р. МЕЛИВОВЕВ, Жиззах вилоят суди халқ маслаҳатчиси.

РАЁСАТ

ИНГИЛИШ

2 февраль куни Ўзбекистон Қишлоқ хўжалик фанлар академияси раёсатининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Ингилишда иштирок этган олимлар қишлоқда бозор муносабатларини йўлга қўйиш ва ривожлантириш билан боғлиқ муаммоларни муҳокама қилдилар, шунингдек, эрташар ва сифатли пахта олиш технологиясидан фойдаланиш масалаларини кўриб чиқдилар.

Ўзбекистон Иқтисодиёт ва қишлоқ хўжалигини ташкил этиш илмий тадқиқот институти директори, профессор Ф. Қаюмов маърузасида таъкидланганидек, қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилишнинг босиб ўтилган йўли иқтисодий йўналишга эга бўлган бозор иқтисодиётига ўтиш муаммоларини аниқлаб олиш имконини беради. Бу борада аниқгина ишлар қилинапти — кўп тармоқли қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарилиши яратилапти, фермер хўжаликларининг иши фаоллашапти, ишбилармонлар фаолияти тараққий этапти. Бироқ, деҳқончилик ва оравачиликдаги силжиш кўнгилдагидек эмас. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларни молиявий жиҳатдан таъминлаш масаласи тула ҳал қилинмаган. Ишлаб чиқаришни юксалтиришнинг кучли иқтисодий усуллари қўлланилмаётгани учун давлат хўжаликларини давлат тасарруфидан чиқариш, ишининг ижара шаклини ва фермерлик ҳаракатини ривожлантириш ва бошқа чора-тадбирлар етарли самара бераёпти. Қишлоқ хўжалиги билан бошқа соҳалар ўртасида маҳсулот айир-бошлашда тенглик ўрнатилгани йўқ. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг қишлоқ хўжалиги мажмуини бозор муносабатларига кўчириш ҳусусидаги фармонлари ва ҳукумат қарорлари ҳужумурсинга бажарилапти.

Ингилишда деҳқонларнинг ишлаб чиқариши юксалтиришдан манфаатдорлигини оширишни, қишлоқ хўжалиги билан қишлоқда моддий-техник ресурслар юборадиган саноат соҳалари ўртасида тенгликни вужудга келтиришни таъминлайдиган иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш бўйича тақлифлар ўртага ташланди. Шунингдек, очиқ турдаги акционерлик корхоналари ташкил этиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини таёйирлаш ва қайта ишлашни тақомиллаштириш, солиқ ва бошқа масалалар бўйича ҳам фикр алмашилди.

Ўзбекистон Қишлоқ хўжалик фанлар академиясининг муҳбир аъзоси М. Ҳамроев турли зоналарда эрта пилар ва юқори ҳосилли пахта етиштириш технологияси бўйича чуқур далилларга асосланган тақлифлар айтиди. Ҳосилнинг кеч етилиши туфайли кўп нобудгарчиликка йўл қўйилиши барчага маълум. Пахта навдарини иқлим шароитларига мослаб экан ва олимлар тавсияларига амал қилган тақдирда 25 октябрда қолмасдан 25 центнердан ҳосил олиш мумкин.

Раёсат йиғилишида барча масалалар бўйича қизғин муҳокама бўлди. Олимлар ва амалдорлар маърузаларда ўртага ташланган фикрларни маъқуллаб, ишлаб чиқилган тавсияларни тезроқ жорий этиш чора-тадбирларини белгиладилар.

Касби оддий — ҳиммати олий кишилар

Ҳар кимки аён этса яхши қилиб, етар яхшиликдан анга яхшилик.

Алишер НАВОЙИЙ.

— Отамиз подачи эдилар,— дейди Раҳматжон ака,— кечалари эса бўз тўқирдилар. Тиркичликда. Кунларнинг бирида: «Сени устага шогирд бераман», деб қолдилар. «Сиз қари бўсангиз, мен далага бориб, ўтин териб келсам ҳам ҳарна-да», десам, отам: «Одам хунардан ўнади. Мен қийналдим, сен қийналмагин болам», дедилар.

Устага шогирд тушдим. Устам ажабтовур тунука-соз, қўли гул одам эди. Ишлари шундай бежирим, шундай силлиқки, дилкашлигини айтмасанми? Уч йил ана шу одамнинг ёнида юриб, тунука-созликни анча-мунча ўрганиб олдим. Ҳамсуҳбатим берилди, бор вужуди билан сўзлайди. Мен бўлсам унинг сўзларини қизқарли китоб ўқитгандек мириқиб эшитиб ўтираман. Раҳматжон ака Эшматов суҳбатни жонан инсонлар суҳбатидан. Очили, у киши билан данишганимизга ҳам унча кўп бўлгани йўқ. У-

ган йилимди, Гурӯсаройдаги хунар-лисийнинг ўн йиллиги таъанналаридан қайтаётиб бу одам билан бирга бўлиб қолдик. Шогирд келиб, катта йўл ёқасида — маиший хизмат комбинатининг эски биноси рўбарўсида тўхтадик. «Шофеёримиз» шу бионинг биринчи қаватидаги тунука-созлик устахонаси-

— Тунука-созликни ўрганиб олганимдан кейин отамнинг маслаҳати билан яна бир устага — Анвар ана деган татавир кишига шогирд тушдим,— дейди Раҳматжон ака.— Бу кишидан темирчиликни ўрганидим. Ҳар хил примослар, патефонлар, велосипед, мотоциклларни туза-

тиб юрарман. Туманинг раҳбарларидан тортиб катта-кичигигача «уста қалайсиз» дея ҳол-аҳвол сўрашади, ҳурмат қилишади. Ахир буларнинг ҳаммаси шу хунарим туфайли эмасми? Муомала — ярим риқ, дейишади. Самодёт ясаб, одам кел-маса, хор бўласиз. Бешта ўғлимнинг ҳаммаси ме-

тим хайларини жамлаб гапга киришади. — Отамизни Эшмат бу-ва дейишарди. Отанинг назари Оллоҳнинг назари бўларкан. — Ўғлим,— дегандилар бир гал у киши,— вақти келиб ақоиб уйларида ўтирасан, аммо мен кўрмайман, арвоҳим кўради. Ҳозир отам раҳматлини шу сўзларини эслаб кетдим. Қаранг, ота на-сиҳатини қулоғига қуйган, падали бузуқворни ҳурматини жойига қўйган одам асло кам бўлмас экан-да.

...Уста билан суҳбатлашганимиздан бери ҳам уч ой ўтди. Шу вақт ичида мен бу яхши инсоннинг сўзлари туфайли кашф этганим, ажиб оламга ном излаб, тинимол излаб юрдим. Дарҳақиқат, одамлар орасида яхши сўз, яхшиликнинг қадри-қиммати худди ҳозирги нарх-наводек ошгандай ошиб, меҳр-оқибат тақчиллашиб бораётган бир пайтда бу одамни қандай ном билан аташ мумкин? Энди билсам, бу одамийлик, эзгулик олами экан.

Ортиқали НОМЗОВ, Наманган.

РАҲМАТЖОН АКАНИНГ ОЛАМИ

нинг мутасаддиси экан. Устахонада эйтиборимизни торган нарса, унинг бир хил буюмини икки кишига икки хил нарха сотгани бўлди. Ҳатто арзон сотган кишига стол устида турган ялғирок тунукадан ясалган мўъжаз шамдонни — «манг, келинчақ қизимизга эътиб берин» — дея бериб юборди. Меннинг таъжубланганимни кўриб, изоҳ берди.

— Биринчи харидор ўзига тўқлиги шундоқ кўри-ниб турибди, унга буюмининг ҳақиқий баҳосида сўз-дан, кейингиси сал ноҳороқ. Шунинг учун унга хизмат ҳақини қўшмай арзонроқ бердим, савоб бўлади.

тишни ўрганим. Устамни хунар мактабига олиб кетиб қолмишар, мен устахонада қолдим. Шриямиз игнасидан тортиб тунука томгача қиламиз. Ҳисоблаб кўрсам, шу касбининг этагини тутганимга эллик йил бўлибди. Хунарни хор бўлмас, деган қолмадик, яланғоч қолмадик. Беш ўғлим уйлаб, беш ердан жой қилдиб, беш ердан жой қилдиб кўрдим. Ҳамсуҳбатим берилди, бор вужуди билан сўзлайди. Мен бўлсам унинг сўзларини қизқарли китоб ўқитгандек мириқиб эшитиб ўтираман. Раҳматжон ака Эшматов суҳбатни жонан инсонлар суҳбатидан. Очили, у киши билан данишганимизга ҳам унча кўп бўлгани йўқ. У-

ҲАР ИККАЛА ҚИРҒОҚ ҲАМ ТОЖГА ЭЛТАДИ

ХШФ паноҳида тож даъвогарларининг саралаш босқич турини янунланди. Бундан бир ой муқимати худди ҳозирги нарх-наводек ошгандай ошиб, меҳр-оқибат тақчиллашиб бораётган бир пайтда бу одамни қандай ном билан аташ мумкин? Энди билсам, бу одамийлик, эзгулик олами экан.

Х. РАСУЛОВ.

Эрта Оснө худудидан йирик банклардан бири

ЎЗСАНҚУРБАНК

Ўз пайларини (акциялар) сотишни давом эттирмақда.



Устав фондида эълон қилинган 100 миллиард сўмдан 65 миллиард сўми пайчилар томонидан тўланди.

Унинг ишбилармон ҳамкорлари орасида АҚШ, Германия, Швейцария, Италия ва Туркия бизнесменлари бор.

Банкнинг фойдаси кундан кунга ошиб бормоқда. Бу пайчилар учун бугунги қийин пайтда ҳам йилига маълум даражада фойда олиш имконини яратади.

Банк республикада биринчи бўлиб ўз пайларини чиқарди ва бу қийматли қоғозлар билан ишлашда энг катта тажрибага эга.

Бу эса пайчиларга ҳар қандай иқтисодий шароитда ҳам маблағларнинг сақланиши ва кўпайишига кафолат бера олади.

Бугунги кунда Ўзсанқурбанкнинг пайлари ютуқлидир. Биринчи ўини шу йил мартда бўлиб ўтади. Сизнинг ютуғингиз қўшимча пайлар мажмуи ҳамда уларга тегишли фойда демақдир.

Ўзсанқурбанк Ўзбекистон Республикаси халқ хўжалигидаги йирик инвесторлардан бири. Сиз пайларни сотиб олар экансиз, ўзингизга қўшимча фойда олибгина қолмай, баки Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий ривожланиши тезлашишига ўз ҳиссангизни қўшган бўласиз.

ЎЗСАНҚУРБАНК ўз пайчилари бўлган барчага ташаккур эълон қилади.

Шошилинг!!
бугун пайларимиз атиги 1000 сўм туради.

Улар Ўзсанқурбанкнинг барча муассасаларида сотилмоқда.

(ФА).

ЖАВЗИ КАВСАР

• Сиз кутан учрашув: Қаҳҳор Ҳожиматов



Илмий текшириш институтида анчадан буён самарали қўлланиб келинаётган.

— Гнеҳлардан яна қандай дорилар тайёрлагансиз?

— Қанд касаллигидан ҳимоялайдиган, уни даволашда қўлланиладиган «Қаҳҳорин» ва «Қаҳҳоризин» малҳами ҳам кўп йиллик изланишлар натижасида юзага келди. Улар тадқиқотчи олим Слимжон Ҳожиматов билан ҳамкорликда яратилди. Ушбу малҳамлар Уэбе

гит, сариқ ҳамда жигар циррозини даволашга ҳам ишлатса бўлади. Биласизми, уларнинг таъсир хусусияти йил давомида ўз кучини йўқотмайди.

— Қаҳҳор ака, айни пайтда қандай юмушлар билан шуғулланыяпсиз?

— Бобомияз Ибн Сино ҳар бир беморни унинг табиғати хос дори билан даволаш лозим, деб таълим берганлар. Шу боис хорижий эллардан замонавий технологиялар олиб, ўзимизда мавжуд хом-ашёдан дори тайёрлашни йўлга қўйишимиз керак, деб ҳисоблайман. Айни пайтда биз «Гнеҳ» деган фирма ташкил қилиб, халқ табиоботию илмий табиобатта асосланган дорилар ишлаб чиқаришни мақсад қилиб қўйганмиз.



ЯРИМ АСРЛИК АЙРИЛИҚДАН СЎНГ НИҲОЯТ, УЛАР БИР-БИРИНИ ТОПИШДИ

Ҳаёт ажойиб бир эртак, дейишди. Гоҳида бу гапнинг қанчалик ҳақиқат эканлигига ишонмай йлнинг йўқ. Фарғона вилоятининг Богда туманида истиқомат қилувчи Саодат опа йўлдошеваси укаси Турсунбойни бутунлай унутганди. Уни тирки кураман, дийдорига яна бир бор тўяман, деб хаёлига ҳам келтирмай қўйганди. Бироқ кутилмаганда укасининг дарағи чиқиб қолди.

1942 йил урушга кетдим, — дейди Турсунбой ака. — Сталинград яқинида жанг қилдим. Жанглarning бирда асир тушиб қолдим...

У асирликдан бир неча бор қочинга ҳаранат қилиб кўрди. Бироқ ҳаранатлари самарасиз кетди. Бунинг эвазига кўп қийноқларга дучор бўлди.

Уруш тугагандан сўнг соhib итифоҳ негадир Турсунбойга ўхшаган юзлаб асирларни қабул қилмади. Илҳияз қолган асирлар Францияга ўтказилди. Бу ердан 1946 йили Туркияга боришди. Айни кунда Турсунбой ака Туркиянинг Одина шаҳрида истиқомат қилмоқда. Икки ўғил, бир қизи бор.

Саодат опа укасини термулиб ўтирар экан. Кўзларига ишонгиси келтирмайди. Жигарбанди билан дийдор қўришга имкон берган мустақиллик ҳақида дуолар айтди.

Тоҳир ҲАМРОҚУЛ, «Халқ сўзи» мухбири. Муаллиф олган сурат.

ЮРТИМИЗ ЯНГИЛИКЛАРИ

ТЕМУР ТУҒИЛГАН ЮРТ ХОРИЖИНИ САИЕҲЛАРНИ МАФТУН ЭТА БОШЛАДИ

Лондонда ўтган халқаро туристик кўргазмада бобокалонимиз Темур ватани — Қашқадарь вилоятининг Шаҳрисабз, Китоб, Ғузур, Қосон ва бошқа жойларидаги тарихий ёдгорликларнинг маълумотномалари намойиш қилинди ва улар қатор чет эл фирмаларининг диққатини тортди. Натижада Эрон, Туркия, Покистон, Малайзия, Германия каби давлатларнинг сайёҳлик агентликлари билан шартномалар тўзишди.

Л. НУРМАТОВА.

ОЛОВДА ТУҒИЛАТГАН ҒУЗАЛИК

Сирдарелик ишбилармонлар Иброҳим Эгамбардиев ва Набижон Мирзабобоевлар қўриқда биринчи бўлиб ишла буюмлар ишлаб чиқарилган «Шуҳрат» кичик корхонасини ташкил этдилар.

Улар бундан ташқари бирода бир ой ичида 20 га яқин пелеч куришти. Ғузлари минг метрга яқин қувур топиб, газ ўтказишди. Ишбилармонлар андижонлик мутахассислар билан шартнома тўзиб, у ерда ишла пуфлаш усталарини таклиф қилишди. Айни пайтда улар ўз маҳсулотларини вилоят бозорларида, кооператив ташкилотларида ва тошкентлик тижоратчиларга сотмоқдалар.

С. ШУКУРОВА.

ҲОЗИРЧА ХАВАРОВСКА «ҚАНОТ ҚОҚИШАПТИ»

Намангандан — Санкт-Петербургга самолётлар мунтазам қатнайдиغان бўлди. Бундан олдинроқ Хабаровск йўналишини очилган эди. Яқин орада эса наманганликлар Москвага ҳам «қанот қоқнайдиган» бўлишди.

Ҳ. ЮСУПОВ.

— Ёшлик чоғларимдан оқ доривор гнеҳларни ўрганишни яхши кўрадим, — дейди Қаҳҳор ака. — Ва шу-шу экологик жиҳатдан тоза, организмга салбий таъсир кўрсатмайдиган ҳамда бошқа хасталикларни юзага келтирмайдиган шифобахш гнеҳлардан йиғмалар тайёрлашга киришдим. Уэбекстоннинг усмликлар дунёси битмас-туганмас хазинадир. Биз хали уни етарли даражада ўрганишимиз йўқ. Шу кеча-кундузда барча касалхоналарда дори-дармон мумимоси мавжуд. Дориларни, асосан, чет элдан валюта ҳисобига харид қилаймиз. Ваҳоланки, тоғу даштларимизда етарли миқдорда дори-дармон тайёрлашга имкон берувчи заҳира мавжуд. Ундан фойдаланиш учун, энг аввало, илмий-тадқиқотлар даражаси доирасини янада кенгайтириш, дори-услосни соҳасига кўлаб маълумоти мутахассисларни жалб этиш лозим.

— Бугунги кунда мамлакатимизнинг кўпгина шифоналарида муваффақият билан қўлланилаётган «ЛСХ-1» («Ҳожиматовнинг

доривор йиғмаси) ҳақида газетхонларимизга батафсилроқ сўзлаб берсангиз.

СИҲАТ-САЛОМАТ ЮРИШНИ ИСТАГАН ОДАМ

ДОРГА ЭМАС, АВАЛО ЎЗ ИРОДАСИГА ТАЯНИШИ КЕРАК

— Уни қўллашга собиқ СССРнинг Янги дори-дармонлар ва табиий техника-нинг жорий қилиш бошқармасининг Фармокология комитети рухсат берган эди. Бу йиғма нафақат сариқ касаллигининг олдини олади, балки уни даволашда ҳам катта самара беради. У Уэбекистоннинг экологик жиҳатдан тоза бўлган шифобахш гнеҳлардан тайёрланган. Уни ўрганиш учун лаборатория, клиника ҳамда касалхона шароитида ҳар тарафлама чуқур илмий-тадқиқот ишлари олиб борилди. Шунинг айтиш кераки, у тана иш фаолиятини тетиклаштирувчи хусусиятга ҳам эга, жигарда юз берган патология ҳамда ма-

ромий ўзгаришларни тезда яхшилайди, фермент кўрсаткичларини пасайтиради, дармонсизланиш, кунгил айланиш, бош айлананишнинг олдини олади, иштаҳани очади, овқат ҳазмини яхшилайди, асабни тинчлатирилади. Энг муҳими, бу дори истеъмол қилингандан сўнг, орадан икки-уч кун ўтар-ўтмас, ўз таъсирини кўрсатади. Даволаниш муддати ҳам қисқа — бор-йўғи ўн кун.

Ушбу йиғма пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур туманидаги иккинчи болалар юқумли касалликлари, шахримиздаги биринчи юқумли касалликлар шифохоналари, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг гематология ва қон қўйиш

кислонинг тоғли районларида кенг тарқалган, халқимиз минг йиллар давомида озиқ-овқат, зирвор ҳамда дори-дармон сифатида ишлатиб келаятган гнеҳлар мажмуасидан тайёрланган. Афсуски, ҳозирча ушбу малҳамлар кенг жорий қилинмаган.

Ўт ҳайдовчи ва тош майдаловчи яна бир йиғмани «Мўъжиза» деб номладик. У етти тур гнеҳларнинг йиғмасидан тайёрланган табиий ўт қуқунли бўлиб, таркибида флавоноид, глицирризин, ошловчи, аччиқ, шиллиқ моддалар, эфир мойлари, органик қислоталар ҳамда турли витаминлар мавжуддир. Бу малҳамларни ўт-томир йўллари сиқилиши, халав-

«Халқ сўзи» мухбири Ж. САФОВЕВ сўхбатлашди.

Замонавий латиғалар

50 сўм топсанг нима қилардинг? Беш минг доллар топсанг-чи?


Ота ўғлидан сўради: — Айт-чи, йўлдан 50 сўм топиб олсанг, нима қилардинг? — Чунтақка урадим-да, — деди ўғли. — Бекор қиласан, уни милицияга олиб бориб топшириш керак. Шунда сен ҳалол инсон сифатида одамлар оғзинга тўшасан.

— Хўп, айт-чи, — давом этди ота, — мабодо беш минг доллар топиб олсанг, нима қилардинг? — Милицияга олиб бориб топширадими... — Зинҳор, бундай қила кўрма! — Ахир ўзингиз айтдингиз-ку «одамларнинг оғзинга тўшасан» деб...

— Э, ўғлим, агар сенда беш минг доллар бўлганида, шундоқ ҳам оғизга тўшардинг.

Аттанг, кампиримми олиб келмабман-да!

Узоқ қиллоқдан бир чол шаҳарга келиб, меҳмонхонадан жой олди. Унинг номери 10-қаватда экан. Лифтнинг ёнига бориб, бу ўзи нима экан, деб ўйлаб турган эди, шу чоқ бир кампир лифта кириб, юрғинга чиқиб кетди. Кўп ўтмай, лифтинг эшикларини очиб, ундан ёш ғузалик билан бир қиз чиқиб кетди. Шонини қолган чол, бошини ўшлаб, «Аттанг кампиримми олиб келмабман-да!» деб юборди.



ҚОРАХОНИЙЛАРНИНГ СОБИҚ ПОЙТАХТИ

Узган Марказий Осиедаги энг қадимий шаҳарлардан бири ҳисобланади. Шаҳар жуда кўп истилоларини бошидан кечирган. X—XI асрларда у ўша даврда Туркистонда қудратли бўлган Қорахоний давлатининг пойтахти эди. Шаҳар дарё ёқасига жойлашганлиги ҳам унинг иқтисодий жиҳатдан ривожланишига ўз таъсирини кўрсатган. Бу ерда ҳозир жуда катта аҳамиятга мо-

лик бир қанча обидалари сақланмоқда.

СУРАТЛАРДА: Ўзган минораси. Бу тарихий меъморийлик обидаси XI—XII асрларда қурилган. Минора яқинидаги Султоним мақбарасининг ҳам тарихи узоқ. Айрим миндлий меъморийлик маданиятининг ёрқин намунаси.

Ўз мухбиримиз олган суратлар.

«ҒАЛАТИ» ЭКСКАВАТОР

Андижонда ўтмиш довларидан афзал, ҳаракатланиш тезлиги юқори, ҳар томонлама қулай экскаваторлар ишлаб чиқарила бошланди. У аввалгиларидек, заҳир билан эмас, шинали гидравликлар ёрдамида ҳаракатга келади. Унинг «кечмон» иштаган вақтда чангаққа ёки «омоч»га, агар зарурат туғилса, юқори босилли бетон тешгич-болғага алмаштириш мумкин. Кўчликни қизити раётган техника «Русия-Уэбек» қўшма корхонасида тайёрланаётган.

Ф. ШОДМОНАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ЎЗБЕК ОЛИМИ АРАБ ФОЛЬКЛОРИ ЁШИГА АНИҚЛИК КИРИТДИ

Ливан пойтахти Байрутдан Тошкентга кўшмабар келди: «Дар-ан-Нашр» нашриётида Тошкент давлат Шарқшунослик институтининг ректори, профессор Неъматулло Иброҳимовнинг «Араб халқ романи» китоби араб тилида нашр қилинди.

Араб халқ адабиёти тадқиқотига бағишланган ва ҳозирча халқаро арабшунослиқда ягона ҳисобланган бу китоб чуқур маъмуни ва анъанавий бўлмаган таҳлили билан мутахассислар диққатини ўзига тортди. Араб тарихи, археологияси ва этнографиясининг катта билимдон И. Иброҳимов Форс кўрфазини давлатлари ҳамда Миср, Сурия каби мамлакатлардаги Шарқ илмий марказларида сақланган бебаҳо қўлёзмалар асосида араб халқ фоль-

клори XVI—XVIII асрларда эмас, бундан аввалроқ вужудга келганлигини исботлаб берди. Ўрта асрлар араб адабиётининг шу кунгача номаълум бир қанча қирраларига ҳам ўзбек олимий ойдинлик киритди. Бу китобнинг қимматли томони яна шундаки, у араб мутахассисларига қардош олим кўзи билан назардан кечирилган ўз маданиян бойликларининг чинакам баҳосини аниқлашга ёрдам беради.

Н. ҒАНИЕВ.

УЧ ЙИЛ МОБАЙНИДА...

Навойи шаҳар саноат корхоналарида экологик вазиятни яхшилаш учун қатор тадбирлар амалга оширилди. Бу эса яхши нагъжа берапти. Ҳисоб-китобларга қараганда уч йил мобайнида навойиликлар 3960 тонна заҳарли модда ва чангдан халос бўлишди.

М. МАРДИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Бу қизик

Нон қачон пайдо бўлган?

Олимларнинг тахминича, 15 минг йилдан ошган. Тўғри, улар узоқ ўтмишда нон ҳозиргидан фарқ қилганини айтишди. Бу зичлаб жойлаштирилган доннинг қизариб пиширилган бурдалари бўлган.

5—6 минг йил илгари қадимги Мисрда нон иккинчи марта дунёга келгандай бўлди. Бу ерда кишилар хамирни мўъжизакор кучга эга бўлган микроскопик организмлар —

новвойчиликда қўлланидиган аччиқ ва қатиқ таркибидagi бактериялардан фойдаланган ҳолда ошириш йўли билан юмшатишни ўрганиб олишди. «Ошган нон» тайёрлаш санъати мисрликлардан грекларга етиб келган. Қадимги Римда ҳам юмшоқ бургдой нон ниҳоятда тотли ҳисобланган. Бу ерда анча йиринг новвойчилар юзага келган, уларда новвойлар нонининг қўллаб навларини кишиларга тортиқ этганлар.

Утказилгандан сўнг магнитофони янгилашга тўғри келади.

Магнитофонларнингизни синалган «қадимий усул»да, яъни спирт ёки атир билан наманланган пахтада тозаланган маъқул. Ушанда унга ҳеч қандай зарар етмайди.

Билиб қўлган яхши

Энг маъқули—ўша синалган усул

Кейинги пайтда магнитофони тозалайдиган аудио ва видеокассеталар сотишда қўллаб пайдо бўлди, деган гаплар қўлоққа чалинмоқда. Мутахассисларнинг таъкидлашича, бундай «тозаловчи» кассеталар номинасоби номаълум фирмалар томонидан ишлаб чиқарилмоқда. Улар ёрдамида уч-тўрт марта «тозалаш»

МАНЗИЛИМИЗ:

700000, ГСП Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 19-уй.

Набатчи муҳаррир Х. Саторов, набатчи О. Раҳимов.

ХАЛҚ СЎЗИ

НАРОДНОЕ СЛОВО

ТЕЛЕФОНЛАР: маълумот учун 33-07-48; эълонлар бўлими 32-09-25. Индекс: 64608.

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсати ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси.

Бош муҳаррир: Анвар ЖҒРАБОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Абдунаби БОЯҚҶЗИЕВ, Эсирғап БОЛИЕВ [маъсул котиб, «Халқ сўзи»], Эркин ВОҲИДОВ, Мирқамол МИРАЛИМОВ, Салоҳиддин МУҲИДДИНОВ [бош муҳаррир ўринбосари, «Халқ сўзи»], Лев ПАК [бош муҳаррир ўринбосари, «Народное слово»], Людмила ПОРФИРЬЕВА, Қўлаҳмад РИЗАЕВ, Александр ТЮРИКОВ, [маъсул котиб, «Народное слово»], Шавкат ЯҲҒЕВ, Пиримқул ҚОДИРОВ, Муҳаммадҷон ҚОРАБОВ, Саидхор ҒУЛОМОВ.

МАНЗИЛИМИЗ:

700000, ГСП Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 19-уй.

Набатчи муҳаррир Х. Саторов, набатчи О. Раҳимов.